

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 22 (1033) • 2015-yil, 22-may, juma

Бизнесда

адолат тамойили кучаяди

➤ Муносабат

Истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий тараққиётнинг “ўзбек модели”га биноан, мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди. Соҳа учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Энг муҳими, тадбиркорларни ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари яратилди. Бунинг натижасида одамларнинг фикри, дунёқарashi ўзгарди, кўнглида жамият тараққиёти учун масъулият ҳисси пайдо бўлди. Ёшлар ижтимоий жиҳатдан фаоллашди.

2 >

Дастурий

мақсадларимизга мос

қонун лойиҳалари фракция муҳокамасида

➤ Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент қўйи палатасининг ялпи мажлиси кун тартибига киритилаётган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Дастлаб йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда божхона ишининг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилиб келаётган амалдаги Божхона кодекси 1997 йилда қабул қилинган бўлиб, у божхона ишини тартибга солувчи қоида ва нормаларни маълум бир даражада тизимлаштириш имконини берди.

2 >

Ўзбекистоннинг келажаги —

инновацион иқтисодиётда

➤ Депутат минбари

Инновацияларни жорий этиш корхоналар рақобатдошлигини ошириш, уларнинг иқтисодий мустақиллиги ва бозордаги мавқеини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун олиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда илмий-техник ва инновацион салоҳиятни сақлаш ҳамда ривожлантириш юзасидан бир қатор мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, инновацион фаолият ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалари эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим услубларидан бири сифатида фойдаланиладиган маҳсулотларнинг сифат ўзгаришлари, фаолият воситалари ва услубларини янгилаш йўли билан амалга оширилади.

3 >



**ҲАР ЖАБҲАДА
ФАОЛ,
ЮКСАК
МАЪНАВИЯТЛИ
ЁШЛАР —
юрт келажаги**

2



НАМАНГАН:

ГЎЗАЛ ВА МАФТУНКОР, ҲАР ГЎШАСИ ОБОД, ФАРОВОН

Ўтаётган ҳар бир кун бизни қутлуғ сана — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллиги байрамига тобора яқинлаштирмоқда. Албатта, бундай фарахбахш кунларда

ҳаммамиз яқин ўтмишни эслаймиз, ҳозирги дориламон кунларнинг қадрига етиш тўғрисида ўйлаймиз. Истиқлол туфайли халқимиз ўз буюк келажагининг ёрқин йўлига чиқди.

Юртимизнинг қай гўшасида бўлсангиз, ҳаётимизда рўй берган оламшумул ўзгаришлар кўзга ташланади.

4-5 >

Ким Нам СЕОК:

“Электрон ҳукумат” тизими жорий этилиши

шаффофлик ва ошкораликни таъминлайди”

➤ Бизнинг суҳбат

“Ахборот технологиялари асри” дея аталмиш замонамизда бирон-бир соҳа ёки касб эгаси йўқки, фаолиятида илғор ва юқори технологиялардан фойдаланмаса. Корхона ёки завод ишчиси бир неча сониялар ичида автоматлаштирилган ускуна ва мосламалар ёрдамида тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаради, шифокор ҳам айнан замонавий аппаратларда бир зумда касалликка ташхис қўяди, керакли тавсияларини беради... Қисқасини айтганда, бизнинг асримизга келиб, инновацион технологиясиз ривожланишни тасаввур қилиб бўлмапти, десак хато бўлмаса керак.

Айни пайтда электронлаштирилган воситалар нафақат мушкулмишни енги қилмоқда, балки жамият ва давлат, фуқаро ва ҳукумат ўртасидаги муносабатни яхшилашга ҳам хизмат қилмоқда. “Электрон ҳукумат” тизимининг тадрижий ривожига, унинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилишга, қолаверса, жаҳон тенденцияларини ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш



ҳамда уларни татбиқ этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганининг туб мақсади ҳам аслида шу, яъни давлат ва халқ ўртасидаги масофани яқинлаштиришдир. Бу борада қилинган ишлар талайгина, бироқ ҳали ўрганишимиз, изланишимиз керак бўлган жиҳатлар ҳам йўқ эмас.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маслаҳатчиси, жаноб Ким Нам Сеок билан суҳбатимиз “электрон ҳукумат”ни жорий қилишда Корея Республикасининг тажрибаси ва Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланди.

6 >

Фан ва амалиёт

ҳамкорлигининг ифодаси

Инновация сўзи (инглиз тилидан олинган “innovation”)нинг ўзбек тилидаги луғавий маъноси — ижодга асосланган янги кашфиётлар, яратувчанлик маъноларини ўзида ифода этади. Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг кооперацион ва интеграциялашган алоқасининг самараси ўлароқ инновацион ғоялар, ишланмалар мамлакат иқтисодиётига наф келтирувчи тайёр маҳсулот ёки технология сифатида шакллантирилади, оммалаштирилади.

Оммалаштириш турли хил тарғибот, тақдимот ва рекламалар асосида амалга оширилади. Мана саккиз йилдирки, Ўзбекистонда республика миқёсида ўтказиб келинаётган “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси”нинг асосий мақсади ҳам илм-фан мутахассислари эришган ютуқларни барчага намойиш этиш, фан ва ишлаб чиқариш ҳамда бизнесни самарали бирлаштириш имкониятини яратиш ҳисобланади.

3 >



ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР



ҳудудларда
партия
мавқеини
кучайтиради

3

МУХОЛИФАТМИ ЁКИ АМАЛДАГИ ҲУКУМАТ?



Польшаликлар
қай
бирини
танлайди?

7

Ўзбекистоннинг келажаги — инновацион иқтисодиётда

Давоми. Бошиқ 1-бетда

Мамлакат рақобатдошлигини баҳолаш кўрсаткичларига кўра, табиий ва иқлим ресурсларидан оқилона фойдаланиш, жамғарилган бойликлардан ўз ўрнида фойдаланиш, инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацияларни қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган бошқарув сиёсатини амалга ошириш каби омиллар корхоналар ривожланишининг асосий стратегияси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда илмий-техник тараққиёт ва бозор эҳтиёжлари маҳсулот номенклатураси ва сифатига янги талабларни шакллантирган ҳолда, талаб ва тақлиф конъюнктурасида муҳим ўзгаришларнинг юз беришига олиб келмоқда. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш фаолиятининг деярли барча соҳаларида инновацияларга истиқболли ривожланиш воситаси сифатида кизиқиш янада ошди. Корхоналарни бошқариш амалиётида бундай стратегиянинг шаклланиши инновацион жараёнларни самарали бошқариш тизимларини яратиш заруриятини янада кучайтиради.

Инновация ва янгиликлар инновацион фаолият натижасида юзага келади, улар ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, бири иккинчисининг мавжудлигини тақозо этади. Уларнинг асосий фарқи шундаки, биринчи ҳолатда янги маҳсулот шаклланиши жараёни рўй берса, иккинчисида — уни тижоратлаштириш жараёни амалга оширилади.

Инновацияларни кенг ёйиш — ахборот жараёни бўлиб, унинг шакли ва тезлиги коммуникация каналларининг қуввати, ҳўжалик субъектлари томонидан ахборотни қабул қилиш хусусиятлари, ушбу ахборотдан амалий фойдаланишга бўлган қобилият ва ҳоказоларга боғлиқ. Чунки реал иқтисодий муҳитда фаолият юритувчи ҳўжалик субъектларининг инновацияларни излашга бўлган муносабати ва уларни ўзлаштириш қобилияти турлича бўлади.

Инновациявий жараёнларнинг иқтисодий ривожланишидаги роли технологик базани янгилаш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги бозорларни эгаллаш ва бу билан иқтисодий ўсишининг янада юқори суръатларига эришиши

да ўз аксини топади. Шунингдек, инновацион ривожланиш омиллари замонавий босқичдаги иқтисодий ўсишининг асосини ташкил этган ҳолда, ишлаб чиқариш соҳасининг кўпгина хусусиятларини ҳам белгилайди.

Давлат инновацион жараёнлар ривожланишини махсус ҳукумат инвестициявий жамғармалари орқали имтиёзли шароитларда кредитлаш, истиқболли соҳаларга нисбатан миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш сиёсатини амалга ошириш, нотижорат тадқиқот институтларини қўллаб-қувватлаш ва компанияларни илмий тадқиқотлар мақсадида солиқлардан озод этиш йўллари билан рағбатлантириши мумкин.

Ҳозирги кунда халқаро илмий-техник ва савдо муносабатларининг ривожланиши кўпгина маҳсулотлар бозорининг глобаллашуви, халқаро меҳнат тақсимоти ҳамда турли хил альянслар ва қўшма корхоналар яратилиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, «инсон ресурсларини» бошқариш инновацион сиёсатни амалга оширишнинг сўнгги бўғини бўлиб, самарадорлиқни ва иш сифатини ошириш масалаларини ҳал этишга ходимларнинг кенг доирасини жалб этишни тақозо этади.

Қайси бир давлат энг самарали инновациявий механизмга ва инновацияларни амалга оширишнинг ривожланиши инфратузилмасига эга бўлса, айнан шу давлат ҳаёт бозоридаги рақобат курашида муваффақиятга эришади. Ҳозирги кундаги илмий-техник тараққиётнинг бир қисми сифатида эътироф этиладиган илмий-техник инновациялар — иқтисодиётни жонлантирувчи ва унинг рақобатдошлигини сақлаб қолувчи куч ҳисобланади.

Инновациявий фаолиятни ривожлантириш учун тармоқ инфратузилмаларининг катта имкониятлари мавжуд эканлигини англаган ҳолда ривожланган давлатлар ҳукуматлари инновацияларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасида амалга оширмоқдалар.

Давлат томонидан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун яратилган ташкилий шаклга мисол тариқасида, Франция санаят ва вазирлиги қошида фаолият юритувчи INOVA ассоциациясини кел-

тириш мумкин. Тармоқ тузилмаси сифатида яратилган ушбу ассоциация таркибига 40 га яқин корхона ва ташилотлар кириб, уларнинг деярли ярми тармоқ тузилмаларидан иборат.

Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали юқори технология соҳалари ривожланган мамлакатлар орасида АҚШ катта салоҳиятга эга. Ушбу мамлакатда йилга ўрта ҳисобда 390 миллиард АҚШ доллари атрофида инновация ва инсон капитални учун молиявий маблағ ажратилади.

Японияда эса ЯИМнинг 3 фоизи илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилмоқда. Маълумотларга кўра, инновацион фаолият билан шуғулланаётган японияликларнинг 13 фоизи фундаментал, 25 фоизи амалий ҳамда 62 фоизи тажриба-конструкторлик ишларига жалб қилинган.

Хитой, Германия, Франция, Исроил, Ҳиндистон, Россия каби иқтисодиётни ривожланган хорижий мамлакатлар инсон манфаатларига хизмат қиладиган инновацион ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиб, амалга татбиқ этиб келмоқдалар.

Ўз ўрнида шунингдек таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам инновацион лойиҳалар ва технологияларни амалга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Бу борада Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш бора-тидаги қўшимча чора-тад-

бирлар тўғрисида»ги қарори Ўзбекистонда инновацион тараққиёт жараёнларини янада жадаллаштиришга хизмат қилмоқда. Шуниси эътиборлики, бу борада ёшлар алоҳида жонбозлик кўрсатиб, илм-фан оламига ўз лойиҳа ва ишланмаларини тақдим этмоқдалар.

Ушбу қарорга мувофиқ, ҳар йили юртимизда Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ўтказиб келинмоқда. Жорий ҳафтада ўтказилган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VIII республика ярмаркаси доирасида илк маротаба халқаро инновация форум ташкил этилди. Ўнлаб мамлакатлардан олимлар ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташилотлар вакиллари иштирок этган мазкур форум Ўзбекистоннинг инновация соҳасида эришаётган улкан ютуқлари билан таъниш, ўзаро билим ва тажриба алмашиш, ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш имконини берди.

Франциядаги дунёнинг энг нуфузли бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган «Инссад» халқаро бизнес мактабининг Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрлаган «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасидаги маълумотларга кўра, Ўзбекистон инсон капиталини ривожлантириш бўйича 141 мамлакат орасида 35-ўринни эгаллаш ва ушбу соҳадаги ўсиш динамикасининг сақланиб қолишига эришишга қараганда кўра, Ўзбекистон инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш бора-тидаги қўшимча чора-тад-



Навқирон авлод тарбиясида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни

Давра сўхбати

Халқимиз азалдан доим ўз фарзандларининг соғлиғига, билим эгаллаши ва маънавий-ахлоқий тарбиясига катта аҳамият қаратиб келган. Айни пайтда ҳам таълим-тарбия масаласи аввало оила, масъул муассасалар ва кенг жамоатчиликнинг ҳаётий вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Ортимизда ёшларни ҳар томонлама етуқ, меҳнатсевар ва фидойи, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўиши мақсадида сиёсий партиялар томонидан ҳам қатор тадбирлар самарали амалга ошириб келинмоқда.

Ёшларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, интеллектуал қобилиятга эга, инновацион ғояларга иштиёқманд ёшларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш масалалари Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва унинг ёшлар билан ишлаш бўлими фаолларининг доимий диққат марказида бўлмоқда. Ҳозирда ёш «адолатчи»ларнинг фаол саъй-ҳаракатлари билан ўтказилаётган тадбирлар сони ва таъсирчанлиги, самаралари ортиб бормоқда.

«Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда Нукус давлат педагогика институти қошидаги 2-сон академик лицейида ўтказилган «Ёшлар тарбиясида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги давра сўхбатида

тида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларда юртимиз ёшлари билим ва иқтисоди, ташаббускорлиги билан фаол қатнашаётганлиги қайд этилди.

Тадбирда сўзга чиққан ФЖШМҚМИ ҳудудий бўлими етакчи мутахассиси О.Болтабоев ўз сўзида мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятлар билимга чанқок, зукко ёшларимизнинг дунё миқёсида эришаётган ютуқларида яққол акс этаётганлигини таъкидлаб деди:

— Келажак авлоднинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини оширишда фаол ёшларнинг ўзи бир-бирига ибрат бўлаётганлиги қувонарлидир. Шу билан бирга, глобаллашув даврида турли ахборот хуружларидан фарзандларимиз онг-шуурини ҳимоя этиш, маънавиятини ҳар қачон ҳам юксалтириб бориш барчамиз, жумладан, фуқаролик жамияти институтлари учун долзарб аҳамиятга эгадир.

«Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими етакчиси А.Пиржанов:

— Турли салбий иллатлардан оғоҳ бўлиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда уларни спорт ва турли фан тўғрисидаги жалб этиш ихобий ўрин тутади, — дея таъкидлади. — Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини ўстиришда тарғибот ишларини кучайтиришимиз зарур.

Дарҳақиқат, ислохотларнинг самараси ёшларнинг маънавий қарашларида, жамиятдаги ўзгаришларнинг ўз тақдирини ва ҳаётига узвий боғлиқликда ҳис этишида ҳам намоён бўлади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва унинг ёшлар билан ишлаш бўлими етакчиси А.Пиржанов

Депутатлар фаолиятидаги амалий натижалар

ҳудудларда партия мавқеини кучайтиради

Сиёсий ўқув

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах вилоят ҳудудий бўлими ва Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти кенгаши ҳамкорлигида «Маҳаллий вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш» мавзусида ўтказилган семинар-тренингдан кўзланган мақсад ҳам партия депутатлик гуруҳларининг фаолиятини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, бу борада депутатларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилди.

Унда сўзга чиққан вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Рустам Тўйчиев депутатларнинг билими, сиёсий маҳорати, уларнинг «Адолат» СДП Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашдаги фаоллигини ошириб бориш зарурлигини таъкидлади.

Сиёсий ўқув машғулотлари

ФЖШМҚМИ Жиззах ҳудудий бўлими етакчи мутахассиси Жаҳонгир Бобобеков иштирокчиларга депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонунларда мустаҳкамланган депутатлик гуруҳлари ва депутатларнинг ҳуқуқларини амалда самарали қўллаш механизмлари,

электоратни ўйлантираётган муаммоларни таҳлил этиш ва улар асосида аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда депутатлик гуруҳларининг ўрни ва вазифалари ҳақида батафсил сўз юритди.

Семинар-тренингда ўрганилган мавзулар юзасидан депутатлар уч гуруҳга бўлинган ҳолда амалий машғулотлар ҳам ўтказиб, назарий билимларини янада мустаҳкамладилар. Гуруҳлар ўз ишида партияимизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқадиган жавоб берувчи аниқ вазифалар ечимига қаратилган лойиҳаларнинг депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий Кенгашиларнинг доимий комиссияси ҳамда сессияларида кўриб чиқишга тайёрлаш ва киритиш юзасидан ўз кўникмаларини оширдилар.

Тадбир якунида партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Билдириб, ўзларининг вакили этиб танлаган депутатлар бу юксак ишончга муносиб равишда, масъулиятни чуқур англаган ҳолда иш-лашлари шарт.

— Чиндан ҳам бугунги кунда биз, депутатларга бўлган ишонч билан бирга талаб ҳам ортиб бормоқда, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Зухраҳон Комилова. — Сайловчилар орасига кириб бориб, улар билан алоқани мустаҳкамлаш билангина ишда олдинга силжиш мумкин. Шу маънода бугунги тадбир биз учун фойдали бўлди. Айниқса, ҳудудий партия кенгаши билан биргаликдаги фаолиятни янада жонлантириш зарур.

Семинар-тренинг якунида депутатларнинг галдаги вазифалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Жасур ҚАРШИЕВ,

Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти кенгаши

матбуот котиби,

Акборжон НАЗАРОВ,

«Адолат» муҳбири

Давоми. Бошиқ 1-бетда

19-21 май кунлари «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» VIII республика ярмаркасида «Саноат», «Ахборот технологиялари», «Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика», «Қишлоқ ҳўжалиги» ва «Фантазия» йўналишлари доирасида 600 дан ортик инновацион ғоя ва ишланмалар, лойиҳалар намойиш этилди. Бу йилги ярмаркада қатор янги йўналишлар пайдо бўлган. Маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар маблағларини республикамиз илмий ташилотлари ва университетлари томонидан ишлаб чиқилган энг илғор технологияларга жалб қилиш мақсадида «Юқори технологиялар», шунингдек, «Энергия ва ресурс тежамкор технологиялар» йўналишлари шулар жумласидандир. Уларнинг бирида ген инженерияси, ҳўжайра технологиялари, фармацевтика ва биотехнологиялар, нанотехнологиялар, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасидаги инновацион ишланмалар тақдим этилган бўлса, яна бошқасида энергия ва ресурсларни тежаш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишнинг самарали усуллари, энергетика аудити бўйича ишланмалар намойиш этилди.

Ярмарка стендларини кузатиб борар эканмиз, инновацион ишланмаларни яратиш ва ривожлантиришда Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолларининг ҳам ҳиссаси бекиёслигини кўриб, ич-ичимиздан фахрландик.

— Жонқуяр устозим, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Олий Махлус Сенати аъзоси, «Адолат» СДПнинг фаол аъзоси Холиджон Камиллов раҳбарлигида кўзни текширишда қўлланиладиган фотокамерани маҳкамлаш қурилмасини ишлаб чиқиб, 2013 йилда Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали модель патентини олишга муваффақ бўлди, — дейди Тошкент врачлар малякасини ошириш институтининг



Фан ва амалиёт ҳамкорлигининг ифодаси

офтальмология кафедраси ходими Шавкат Абдуллаев. — Бу қурилма кўзнинг олдинги ва орқа қисмларини фото ва видеога олиш имкониятини бериб, уни барча моделдаги биомикроскопга ўрнатиш мумкин. Ушбу мослама тиббиёт олийгоҳлари талабаларига, лицей, коллежларда ўқувчиларга кўз биомикроскопияси усули бўйича дарс жараёнида ва амалиётда ўргатиш учун қўл келади. Аналогларидан фарқли жиҳатлари шундаки, уни ўрнатиш учун махсус медтехника талаб қилинмайди ва ўрнатиш вақти 1-2 дақиқадан иборат. Шу билан бирга, нархи ҳам анча арзон.

Шунингдек, ярмаркада ёш олим ва талабаларнинг 70 га яқин ишланмаси ташриф буюрувчилар эътиборига ҳавола қилинди. Биргина Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ўқитув-

чи ва талабалари томонидан 10 дан ортик лойиҳалар тақдим этилди.

Буйилги республика ярмаркаси доирасида илк бор Тошкент халқаро инновация форуми ҳам ўтказилди. Икки секцияда иш юритилган мазкур форумда глобализация ва замонавий таҳдидлар шароитида дунёда миллий инновация тизимларини ривожлантиришнинг тенденциялари, ушбу тизимни шакллантириш омилларини аниқлаш ҳолати, муаммолари ва истиқболлари таҳлил этилди. Шунингдек, ёшларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон ва халқаро тажриба асослари муҳокама этилди.

Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА,

«Адолат» муҳбири

Улғубек САМАТОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

НАМАНГАН: ГЎЗАЛ ВА МАФТУНКОР,

Бунёдкорлик шижоати, юксак ишонч билан

юрт равнақига муносиб ҳисса қўшамиз

Давлатимизнинг барча жаба...

Ўзбекистоннинг барча жаба-халарда барқарор суъратлар билан ривожланиб бораётгани, кўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаётгани, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаётгани қалбимизни фахр-ифтихор туйғулари билан тўлдирди. Айниқса, юртдошларимизнинг дунёқарши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганига эътиборга моликдир.

Наманган — мамлакат иқтисодиётида ўзига яраша ўринга эга бўлган вилоят. Саноатчилар, бугунги кунда энг аввало, мавжуд қувватлардан умумий фойдаланиш, жаҳон андозаларига мувофиқ келадиган, таннархи арзон ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор қаратмоқдалар. Натижада экспорт ҳажми кўпайиб, импорт камийишига эришилмоқда.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2015 йил биринчи чорагидаги янунларига бағишланган фаоллар йиғилишида ҳам бунга яққол ақс эйтирган кўплаб рақамлар тилга олинди. Келтирилган рақамлар орқали мамлакатнинг бошқа ҳудудлари каби Наманган вилоятда ҳам иқтисодиётнинг барқарор ва юқори ўсиш суъратлари таъминланаётганига қайд этилди. Бунга энг аввало, таркибий қайта ўзгартиришларга, саноат ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш ва диверсификациялаш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ишлаб чиқариш маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришни кўзда тутувчи дастурларни амалга ошириш туфайли эришилди. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суъратлари 9,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,6 фоиз, хизмат кўрсатиш ҳажми эса 16,2 фоизга ошган.



Вилоят иқтисодиёт бош бошқармасининг маълумотларига иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни янада рағбатлантириш борасидаги ишларга ҳам кенг ўрин ажратилган. Шу йилнинг биринчи чораги янунларига назар ташласак, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 67,8 фоизга етганини кўраемиз. Кичик бизнеснинг аҳоли бандлигидаги улуши эса 82,3 фоизни ташкил этди. Ҳозирга келиб вилоятда 15494 та кичик бизнес корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирлар натижасида энгил ва озик-овқат саноати, машинасозлик ҳамда металл қайта ишлаш, қурилиш материаллари тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш соҳалари жадал суъратлар билан ривожланаётганини қайд этиш мумкин.

Мазкур фикрларни далил-лаш учун мисол келтириб ўтасак, ўтган йили шаҳарнинг Дўстлик шохчасида "Истиклол" мода ва дизайн маркази иш бошлади. Биринчи қаватда кўрғазмалар зали, дизайн-лаборатория, намуналар цехи, фирма дўконлари жойлашган. Иккинчи қаватда замонавий ишлаб чиқариш цехлари, учинчи қаватда эса ошхона, маданий-маиший мажмуа ўрин олган. Янги бинода харидорларнинг тақлиф ва эҳтиёжларини ўрганиш, дизайнлар яратган кийим-кечакларнинг янги моделларини

жамоатчилик кўригидан ўтказиш учун яхши имкониятлар яратилган.

Ушбу бино "Истиклол" кичик корхонаси маблаг ҳисобидан қуриб битказилди. Бу жамоа тўққиз йил илгари чоғроқ тиккув цехи сифатида иш бошлаган эди. Эндиликда у тармоқдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бирига айланди. Бу ерда тайёрланган костюм-шим, куртқа, плаш, кўйлак ва бошқа маҳсулотларнинг қирқ фоизи хорижа экспорт қилинмоқда. Корхона раҳбари — ёш тадбиркор Бахтиёр Умаров 2011 йилда "Ташаббус" кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблири сафидан жой олиб, "Спарк" автомашинаси билан тақдирланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тошкентдаги "Saas Teks invest" МЧЖнинг филиали, "Фирдавс текстил", "Ифтихор кийим саноат" масъулияти чекланган жамиятлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар довури ҳам тобора ошиб бормоқда. Бу ерда тайёрланаётган эркалар кийим-кечакларига, мамлакат-



миздан ташқарида ҳам талаб катта. Шуни ҳисобга олиб, корхонада ҳар йили технология янгилаш йўлидан борилмоқда. Костюм, кўйлак, пальталарнинг янги моделлари ўзлаштирилмоқда.

Албатта, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши вилоят иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллаб турибди. Бу борада фермерлик ҳаракати, айниқса, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожланти-

ришга қаратилаётган эътибор муҳим аҳамият касб этмоқда. Мулк эгалари қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш билан бирга, уни қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш имконига эга бўлмоқдалар. Экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини рағбатлантириш мақсадида кўплаб имтиёз ва преференциялар жорий қилингани ҳам қўл келмоқда. Қишлоққа саноатни олиб кириш орқали эса янги иш ўринлари яратиб, импорт ўрини босувчи буюмлар ва жиҳозлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришилмоқда. Фермерлар тайёрлаган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топиб, хориқликларнинг қизиқшини янада оширмоқда.

Қишлоқлар ҳаётида рўй бераётган яна бир муҳим ўзгариш — эндиликда уларнинг ободлигида шаҳарлар билан бўйлашаётганидир. Биз намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган замонавий уй-жойлар, турмуш даражаси юксалиши туфайли аҳоли онгу

тафаккуридаги ижобий ўзгаришларни назарда тутмоқдамиз. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган бунёдкорлик ишларида муҳим дастурий амал вазифасини ўтамоқда. Ўтган давр мобайнида вило-

ят бўйича 3170 дан зиёд намунавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шаҳардаги каби шароит рўзгор юмушларини энгиллатиб, ота-оналарга фарзандлар тарбиясига кўпроқ вақт ажратиш имконини бермоқда. Уларнинг кредитга берилётгани, тўлов муддати ўн беш йил қилиб белгилангани, тўлов иш ҳақи ҳисобидан амалга оширилса, даромад солиғидан озод этилиши каби имтиёзлар қишлоқ аҳлига кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.



Янги турар-жой массивларида замонавий инфратузилмани яхшилаш, қўшимча қулайликлар яратиш диққат марказида турибди. Жумладан, ўтган давр мобайнида мактаб, қишлоқ врачлик пункти, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари, ҳаммом, дорихона, гузар, бекат ва мини-банк каби юздан зиёд ижтимоий инфратузилма объекти барпо этилди. Намунавий лойиҳалар "ассосида" уй-жойлар қурилиши кенг қўламли олиб борилаётгани бинокорлик материаллари, қурилиш ашёлари ва жиҳозлари ишлаб чиқаришни ҳам рағбатлантираётгани диққатга сазовордир. Арзон ва сифатли маҳсулотлар уй-жойларнинг мустаҳкамлиги ва пишиқлигини ошириш билан бирга қурилиш ишлари таннархини пасайтириш имконини бермоқда.



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Худуди: 7440 квадрат километр.
- Аҳоли сони: 2,5 миллион нафардан зиёд.
- Олий ўқув юрти: 3 та;
- ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар сони: 118 та;
- умумий ўрта таълим мактаби: 687 та;
- мактабгача таълим муассасалари: 467 та;
- соғлиқни сақлаш муассасалари: 320 тадан зиёд.
- "Наманган вилоятини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури" доирасида ҳозиргача 1347 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди. Шу ҳисобига 11 182 та янги иш ўринлари ташкил этилди.
- 2014 йилда 120 та корхонада умумий қиймати 87,6 миллиард сўмлик модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари амалга оширилди.
- 2014 йилда инвестиция дастури доирасида 84 та ижтимоий соҳа объекти фойдаланишга топширилди.
- 2014 йилда "Бандлик дастури"га мувофиқ вилоятда 75,2 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Турақўрғон туманида барпо этилаётган иссиқлик электр станциясини олайлик. Мазкур иншоот Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг молиявий кўмагида барпо этилмоқда. У иккита буғ-газли қурилмадан иборат бўлиб, умумий қуввати 900 мегаваттга тенг, энг замонавий ва фойдали иш коэффициенти юқори технологиялардан фойдаланилади. ИЭС лойиҳа даражасига эришгандан сўнг йилига 6,8 миллиард килловатт-соат электр токи ҳосил қила олади. Бу эса нафақат вилоятимизда, балки бутун водийда электр таъминотида барқарорлиқни таъминлайди, иқтисодиётни янада ривожлантириш имконини беради.

Мамлакатимизнинг барча йўналишлардаги тараққиётини, халқимизнинг турмуш даражаси юксалишини таъминлайдиган бундай лойиҳаларни қисқа муддатларда ва самарали рўёбга чиқариш имконияти яратилганлиги ҳам истиклол туфайли амалга ошмоқда. Ана шу беқиёс, азиз ва мўътабар неъмат туфайли элнинг қади-басти, гуруру ва шаъни тикланди. Жаҳон ҳамжамиятидаги ўзимизнинг муносиб ўрнимизни эгалладик. Албатта, бу билан фахрланамиз, шу билан бирга, истиқлолни асраш, уни мустаҳкамлаш, одамлар онги ва қалбига бу улғу туйғунини янада чуқур сингдириш борасида зиммамизда жуда катта масъулият борлигини ҳам ҳис этаемиз. Ватан равнақи учун масъуллик, она юртга меҳру муҳаббат ҳисси, яратувчанлик иштиёқиди наманганликлар ҳаётимизни янада фаровон этиш, вилоят тараққиёти учун ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

Иброҳимжон АБДУЛЛАЕВ, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси, "Эл-юрт ҳурмати" ва II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби



Кичик бизнес

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари, Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлиги туфайли иқтисодиёт тобора ривожланмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши баробарида минг-минглаб янги иш ўринлари яратилиб, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бандлик муаммоси ҳам ҳал этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тўғрисида"ги қарори юрти-мизда тадбиркорлар сафи янада кенгайишида муҳим омил бўлди.

Мен ҳам укаларим билан биргаликда кичик корхона ташкил этиш ҳақида ўйлаб юргандим. Мазкур қарор бизни руҳлантириб юборди, ишга жиддий киришдик. Тегишли ҳужжатлар тайёрланди, тез орада "Leasing bonus" масъулияти чекланган жамияти рўйхатдан ўтказилди.

Аввал ишни саноат моллари савдоси билан шуғулланишдан бошладик. Кейин эса бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Тайёрлаган бизнес-режамизни ҳамкорлар ҳам маъқуладилар ва кредит маблағлари ажратиш масаласи ҳал бўлди.

Ишлаб чиқаришнинг айнан шу соҳасини танлаганимизнинг ўзига хос сабаблари бор эди. Биз мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари назарда тутиб, бинокорлик материалларига талаб ортишини ан-



ладик. Кейинроқ эса "мўлжалли тўғри олганлигимиз"ни вақтнинг ўзи кўрсатди.

Шаҳар четроғидаги ташкилотлардан бирининг бўш ётган биносини ижарага олдик. Тегишли лойиҳалар тайёрланди. Ҳамкорларни эса Хитой Халқ Республикаси-

нинг Хубэй провинциясидаги Сяньфань шаҳридан топдик. Улар билан асбестли цементдан тўлқинсимон шифер ишлаб чиқарадиган технология усқунларини етказиб беришга шартнома туздик. Ҳамкорларнинг ўзлари жиҳозларни ўрнатиб, ишчиларимизга уларни

қандай бошқаришни ўргатишди.

Ўтган уч йил мобайнида жамиятда аҳил ва меҳнатсевар жамоа таркиби топди. Ҳар йили уларнинг сафига касб-хунар коллежларининг битирувчилари қўшилиб бораётгани ҳам диққатга сазовордир. Ҳар бир ишчи бир нечтадан турдош жараёнларни бошқаришни ҳам ўзлаштириб олган. Маҳсулот сифати юқори бўлишини таъминлаш учун ҳамма жон қуйдиради. Чунки иш ҳақининг юқори бўлиши айнан маҳсулотнинг сифатига боғлиқ.

Ўтган йили жамоамиз 1,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Биринчи марта экспорт амалиёти амалга оширилди, яъни Қирғизистондаги истеъмолчиларга 40 минг АҚШ долларлик маҳсулот жўнатилди. Бу йилги кўрсаткичларимиз ҳам ёмон эмас. Шу билан бирга, яқинда том ёпқич материал — рубероид ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Ана шундай натижаларни кўлга киритишда Қобил Нуриддинов, Алишер Нурматов, Акмал Даминов, Дилмурод Мадродимов каби ишчиларимизнинг ҳиссаси катта бўлди.

Эндиликда қурилиш материаллари — цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан амалий ҳаракатларга киришдик. Бу борада ҳам хитойлик ҳамкорлар билан шартнома имзоладик. Айни пайтда кредит маблағлари ажратиш масаласи ижобий ҳал бўлмоқда. Мақсад — вилоятда биринчи бор цемент чиқарадиган корхонани ташкил этиш. Режамизга кўра бу корхона йилига камда 100 минг тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлади.

Геологлар ёрдамида шаҳарга яқин туманлар ҳудудидан тегишли таҳлиллар ёрдамида тўртта хомашё казиб олинадиган қарьерлар учун жойлар белгилаб қўйилди. Вилоятда ишлаб чиқариладиган қурилиш материаллари тури яна биттага кўпайса, шаҳар ва қишлоқларимизда янада кўркам ва муҳташам бинолар қад кўтаришига ҳисса қўшган бўламиз.

Абдурашид МУРОДОВ, Наманган шаҳридаги "Leasing bonus" МЧЖ раҳбари

Имконият, ташаббус ва рағбат

ХАР ГЎШАСИ ОБОД, ФАРОВОН

Интеллектуал салоҳиятли ёшлар

бугун ва истиқболдаги вазифаларни ҳал этишга қодир кучдир

➤ Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Партиямизнинг бош вазифаси мамлакатимиз таълим тизимининг фуқароларнинг қилмишлар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилини намоян эътибор, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши аъёнларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат. “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун” Сайловолди достуримизда илгари сурилган бу ғояларни рўёбга чиқариш йўлида тинмай изланиб, ижодий меҳнат билан шуғулланаётган сафдошларимиз Наманган давлат университетида ҳам кўп қабат топилди.

Мустақиллик йилларида олий таълим тизимида ҳам кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Хусусан, таълимнинг “бакалаврият ва магистратура” босқичига ўтказилиши мазкур тизим ҳамда меҳнат бозорининг ўзаро алоқасини кучайтирди. Бу борада юртимиздаги олий таълим даргоҳлари қатори университетимизда ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Мухими, таълим ва тарбия самарадорлигини кучайтириш, илмий изланишлар натижаларини оширишга эришилмоқда.

Университетимиз фаолиятини замонавий талаблар даражасига кўтариш юзасидан саъй-ҳаракатларда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 29 октябрда қабул қилинган “Наманган давлат университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ҳужжат асосида бир ярим йил мобайнида амалга оширилган ишларни таҳлил этарканмиз, бир қатор ижодий силжишларга эришилгани кўзга ташланади. Энг аввало, олтинга факультет, 27 кафедрада 29 йўналиш бўйича бакалавр ва 10 та мутахассисликдаги магистрлар тайёрланаётган билим даргоҳимизда профессор-ўқитувчилар таркибини билим ва иқтидорли мутахассислар билан тўлдирди масаласига жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, ҳозиргача университетимизда 86 нафар янги, тажрибали ва салоҳиятли профессор-ўқитувчи ходимлар иш бошлади. Улар орасида бир нафар фан доктори, 10 нафар фан ном-

зоди бор. Шунингдек, 2013-2014 йилларда магистратура-ни тамомлаган 37 нафар ёш мутахассис ва 38 тадқиқотчи-ўқитувчилар ишга қабул қилинди. Бу олиб борилаётган илмий изланишлар кўламини кенгайтиришга ҳам ҳизмат қилапти. Айтиш мумкин, профессор-ўқитувчиларимиз сони 431 нафарга етди. Илмий салоҳият даражаси бўйича кўрсаткич ҳам ўсиб, эндиликда 31,8 фоизни ташкил этмоқда.

Маълумки, кадрлар салоҳиятини юксалтиришда уларнинг малакасини ошириш ва қайта ўқитишнинг аҳамияти катта. Шунинг учун бу борада пухта тузилган режа асосида иш юритилмоқда. 2014 йилда 88 нафар профессор-ўқитувчиларимиз Ўзбекистон Миллий университети, Фарғона давлат университети, Ташкент давлат педагогика ҳамда ахборот технологиялари университети каби нуфузли олий таълим муассасаларида малака ошириб қайтидилар. Хорижий давлатлардаги етакчи университетлар иш тажрибаси билан танишиш учун ҳизмат сафарлари уюштириш ҳам яхши аъёнага айланмоқда.

Ўтган йили Жанубий Кореянинг Wolkwang университети билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу ўқув юртининг уч нафар профессор-ўқитувчиси Наманганга ташриф буюрди ҳамда биргаликда амалий математика ва информатика йўналиши бўйича ҳамкорлик лойиҳаси ишлаб чиқилди. Худди шундай меморандум Россия Федерациясидаги Сургут университети билан ҳам имзоланди. Айтиш



пайтда НамДУни шундай ҳамкорлик ришталари 15 та чет эл университети ва марказлари билан боғлаган. Улар орасида Гронинген (Голландия), Пиза (Италия), Акерсус (Норвегия), Инчон (Жанубий Корея) университетлари, Синжан техника, физика ва кимё маркази (Хитой) ва бошқа илм даргоҳлари бор.

Албатта, самарали илмий тадқиқотлар олиб бориш учун етарли даражада лабораториялар ва жиҳозлар зарур. Шунинг назарда тутиб, кейинги пайтда қатор ишлар қилинмоқда. Биотехнология ва физик-кимёвий тадқиқотлар илмий лабораторияларини ташкил этиш, физика, кимё, биология, экология ўқув лабораторияларини жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Шу мақсадда бир нечта грант лойиҳалари устида иш олиб борилаётган.

Магистрлик диссертациялари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг турли соҳадаги илмий-тадқиқот институтлари етакчи олимлари раҳбарлигида тайёрланиши йўлга қўйилиб, ҳар икки ойда магистрларнинг илмий раҳбарлари иштирокида диссертация мавзуси бўйича ҳисоботларини тинглаб бориш жорий этилди. Ёш изланувчи магистрларнинг илмий тадқиқот ишларига ёрдам сифатида фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссалари ҳақида батафсил фикр юритилди.

мий-назарий конференциялар ўтказилиб келинмоқда. Ўқув ишлари самарадорлигини ошириш юзасидан ҳам турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Университет маъмурияти вакиллари билан ота-оналарнинг учрашувлари вилоятнинг барча туманларида бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларда талабаларимизнинг маънавий-маърифий қарашлари, уларнинг етуқ шахс сифатида шаклланиши юзасидан ўзаро фикр алмашилди, нималарга кўпроқ эътибор қаратилиши лозимлиги хусусида маслаҳатлашиб олинди.

Университетда “Экологик марказ”, “Мунозара”, “Нотиклик санъати”, “Лирик лаҳзалар” каби уюшма ва клублар иш-тирибди. Ҳозирда уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Таълим даргоҳимизда мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида моддий-техник базани мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. 2013-2014 йилларда 496 миллион сўмлик ўқув материаллари, спорт ва мусика инвентарлари сотиб олинди. Филология, табиий фанлар ва география факультетларининг ўқув жиҳозлари буткул янгиланди. Ҳозирги кунда физика-математика факультетида ҳам шу каби ишлар олиб борилаётган. Талабалар шаҳарчасидаги икита 516 ўқувчи

ётоқхона биноси ўтган йили мукамал реконструкциядан чиқарилди. Қулай маиший шaroитлар яратиш мақсадида 300 ўринли ошона, кичик футбол майдони қурилди. Катта ҳажмда ободончилик ишлари амалга оширилди.

Мамлакат равнақи, жамият тараққиётида етуқ ва юқори малакали мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илгор технологияларни жорий этиш таълим соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишига айланди. Айтишса, ёшларни илму маърифатли қилиб тарбиялаш, ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси билан яшашига ўргатиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Университетимиз профессор-ўқитувчилари жамоаси келгусида ҳам бу борадаги вазифаларни бажариши йўлида куч-ғайрати, билим ҳамда маҳоратини сафарбар этаверади.

Абдусалом УМАРОВ,
НамДУ ректори,
техника фанлари доктори,
профессор,
халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзоси

ПАРТИЯ ҲАЁТИДАН

Кейинги йилларда партиямизнинг Наманган вилоятидаги ташкилотлари фаолияти сезиларли даражада жонланди. Аъзолар сафи кенгайиб, БПТлар миқдори ҳам ўсиб бормоқда. Айтиш мумкин, “Адолат” СДПнинг кўйи ташкилотлари томонидан уюштирилаётган тадбирлар миқёси кенгайиб, савияси яхшиланиб бормоқда. Кўйидаги хабарлар ҳам шундан далolat беради.

Фахрийларга эҳтиром

Ўзбекистон “Адолат” СДП Чортоқ туман кенгаши Кексаларни эъзолар йили муносабати билан ишлаб чиқилган тадбирлар режасига мувофиқ қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда “Алихон” қишлоқ фуқаролар йиғинида бир қатор ёши улғун инсонларга эҳтиром кўрсатилди.

— Қишлоқда узоқ йиллар турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, эндиликда кесалик гаштини сураётган ёши улғун инсонлар жуда кўп. Улар орасида уруш ва меҳнат фахрийларидан Саидбоқи Қажомов ва Маҳмуджон Бобоҳонов ҳам бор. Улар Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жанг қилиб, дунёни фашизм балосидан асраб қолишга муносиб ҳисса қўшганлар. Равзахон ая Исроилова ва Улфатхон ая Абдулаевлар эса фронт орти фахрийларидан, бу азиз инсонлар урушдан кейинги йилларда ҳам турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққан.

Яқинда бир гуруҳ партиямиз фаоллари фахрийларнинг хонадонларига бориб, уларнинг ҳолидан хабар олдилар. Кексаларни эъзолар йили муносабати билан Чортоқ туманида яна бир қатор шундай тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Нурчиларнинг спорт баҳслари

Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси акциядорлик жамиятида “Адолат” СДПнинг бошланғич ташкилоти иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа давр ичида бир қатор ибратли тадбирларни амалга оширди.

Яқинда мазкур корхона миқёсида мини-футбол бўйича турнир ўтказилди. Унда турли бўлинма ва ҳизматларнинг 18 та жамоаси иштирок этди. Мурасимсиз кечган баҳслардан сўнг Реле ҳимоси ва автоматика бўлими спортчилари биринчи ўринни эгалладилар.

— Жамоамизда спортни ўзига ҳамроҳ билган ишчи ва мутахассислар жуда кўп, — дейди мазкур акциядорлик жамияти раҳбари, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзоси Шуҳрат Давронов. — Шунинг инобатида олиб, бошланғич партия ташкилоти билан биргаликда ушбу мусобақани ташкил этилди. У кўпчиликка маъқул тушди. Бундай тадбирларни келгусида давом эттириш ниятида.

“АДОЛАТ” ГУРУҲИ
ВИЛОЯТ БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушуниришда “Сиз қонуний биласизми?” тавловининг аҳамияти катта бўлаётди.

Яқинда ана шу билимдонлар беллашувининг Янгикўрғон туман босқичи бўлиб ўтди. Унда дастлабки саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган тўрт жамоа қатнашди. Улар орасида “Адолат” (иқтисодий ва транспорт коллежи), “Қомус” (ижтимоий-иқтисодий ва педагогика коллежи), “Қонуншунос” (ахборот технологиялари ва сервис коллежи) ҳамда “Ёш ҳуқуқшунос” (агроервис ва транспорт касб-ҳунар коллежи) гуруҳлари бор эди.

Албатта, ўқувчилар ҳар бир шартни бажаришда ўзларининг зукко ва билимли эканликларини кўрсатишига, саволларга жавоб қайтаришда топқирликларини намоян этишга ҳаракат қилдилар. Танловда иқтисодий ва транспорт касб-ҳунар коллежининг “Адолат” жамоаси энг юқори натижа кўрсатиб, вилоят босқичига йўналгани кўлга киритди. Мазкур гуруҳ аъзоларини беллашувга юқори даражада тайёрлашда ўқитувчи сафдошларимиз — партиямиз фаоллари ҳам қатнашганлиги эътиборга молик.

ХАБАРЛАР

Наманган шаҳридаги “Намимпекстекстиль” масъулияти чекланган жамиятида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Бу гагги ярмарка давомида 145 киши турли ташкилот ва муассасаларга йўланма олдилар. Улардан 35 нафари “Намимпекстекстиль”да меҳнат фаолиятини бошлайдиган бўлди.

Давлат солиқ қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази биргаликда ўтказилган “Солиқ билимлари — болаларга” кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Шуниси қизиқки, унда голиб чиққанлар икки таълим муассасасининг ўқувчиларидир. Муҳаббат Ботиралиева ва Ҳалима Фозилова Учкўрғондаги 17-мактабдан, Муаттар Турдалиева ва Файрат Маҳмуджонов эса Тўрақўрғондаги иқтисодий ва сервис коллежидан. Энди улар кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

Наманган шаҳрида маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбир иштирокчилари ташвиқот ва тарғибот ишларини кучайтириш, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар вилоятдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юборилди.

Поп туманидаги Янгиобод қишлоғида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Бу ерда турли тўғарақларда шуғулланиш, бўш вақтни намунали ўтказиш учун барча шарт-шaroитлар яратилган. Машғулотларни тажрибали мутахассислар олиб борадилар.

Бебаҳо маънавий мерос

➤ Музейлар фаолияти

Вилоят ўлкашунослик музейи шаҳарнинг қоқ марказида, Бобур номи маданият ва истироҳат боғининг шундоққина ёнида жойлашган. У қарийб юз йилдан бери маънавий-маърифий маскан вазифасини бажариб келмоқда. Бу ерда тўпланган тарихий-маданий меросга оид материаллар ўзининг ноёблиги билан ажралиб туради ва уларнинг аҳоли, шу жумладан, ёшлар ўртасида таълим-тарбия ишларини олиб боришдаги аҳамияти беқиёсдир.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилояти кенгаши ҳам музей жамоаси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Бу ерда биргаликда жуда кўп маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади. Партиямиз вакиллари, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган қатор учрашувларда ҳам фаол қатнашдилар. Мазкур тадбирларда ҳамюртларимизнинг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссалари ҳақида батафсил фикр юритилди.

— 1941-1945 йиллардаги урушда Наманган вилоятидан 79 мингдан ортиқ киши қўлида қурол билан душманга қарши

жангларда қатнашган, — дейди музей директори, тарих фанлари доктори Иброҳимжон Юсупов. — Улардан қарийб ўттиз минг нафари ғалаба йўлида қурбон бўлган. Наманганликлар фронт ортида ҳам фидокорона меҳнат қилганлар. Уруш йиллари душман босиб олган ҳудудлардан қўчирилган минглаб кишилар, болалар шаҳар ва қишлоқларимизда кўним топган, меҳр ва ғамхўрлик кўрган.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида музей заллари ёшлар — олий ўқув юртининг талабалари, мактаб, коллеж ва академик лицей ўқувчилари билан гавжум бўлди. Иккинчи жаҳон уруши ҳақида ҳикоя қилувчи қатор кўргазмалар, фахрийлар



ва меҳнат fronti иштирокчилари билан учрашувлар ташкил этилди. Айтишса, уруш қатнашчиси Сергей Крюков билан мулоқот жуда қизиқарли ўтди. Мактаб ўқувчилари кекса аскарнинг жанговар хотираларини ҳаяжон билан тингладилар. Учрашув якунида фахрийга Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят кенгашининг эсдалик совғалари ҳам топширилди.

Айтиш мумкин, музей залларида унинг ҳужжатдоҳларидан 55 мингдан зиёд тури-туман экспонатлар мавжуд. Ўтган давр мобайнида музей ҳаётида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Экспонатлар кўпайди, янги, за-

тақдим этди. Шарқшунос олимлар хулосасига кўра, бу манбалар XVIII ва XIX асрларда чоп этилган нодир рисоалар экан. Музейда ўлкамизнинг табиати, тарихи, маданияти, халқ турмушининг ўзига хос томонларини акс эттирган экспонатлар жуда кўп. Фарғона водийсида ўтказилган қазималар чоғида топилган нодир буюмлар, айниқса, киши эътиборини тортади. Улар орасида Чуст манзилгоҳидан топилган бронза даврига оид меҳнат ва ов қуроллари, заргарлик ва кулолчилик буюмлари алоҳида ўрин тутди. Қадимий Косон (Косонсой тумани) ва Ахсиқент (Тўрақўрғон тумани) шаҳарлари, Мунчоктепа (Поп тумани)да ўтказилган қазималар ҳам тарихнинг аңгачина саҳифаларини ёрита олади.

Музей жамоаси шу кунларда яна бир катта экспозицияни жиҳозлашга киришди. Бу кўргазма Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланади. Кўргазма материалларида мамлакатимизда, шу жумладан, Наманган вилоятида ўтган қисқа давр мобайнида амалга оширилган оламшумул ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

Ким Нам СЕОК:

“Электрон ҳукумат” тизими жорий этилиши шаффофлик ва ошкораликни таъминлайди”

Давоми. Боши 1-бетда

— **Жаноб Ким, келинг, суҳбатимиз аввалида “электрон ҳукумат” тушунчасининг таърифи ва тарихига бироз тўхталсак.**

— Утган аср 90-йилларининг ўрталарида дунёнинг ривожланган мамлакатлари компьютер ва интернет каби ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, давлат бошқаруви тизимида ислоҳот ўтказиш буйича ҳаракатларни бошлашган. Давлат бошқаруви тизимининг самардорлигини ошириш ва фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш даражасини ошириш учун ислоҳот ўтказишнинг энг кучли стратегияси сифатида “электрон ҳукумат” белгиланган ва шундан бошлаб электрон ҳукумат тизимини яратиш буйича кенг қўламдаги лойиҳалар бошланган.

“Электрон ҳукумат” лойиҳаларининг асосий мақсади — ҳукуматнинг бошқарув ва маъмурий фаолиятида иш унумдорлиги ва самардорлигини кўтариш, булар асосида фуқароларга юқори даражадаги давлат хизматларини тақдим қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун мақбул муҳит яратиш ҳисобланади. Бу мақсадларга эришиш учун, энг аввало, ҳукумат идоралари фаолиятида инновацияни жорий қилиш, кераксиз бизнес-жараёнлар ва регламентларни ислоҳ қилиш ёки бекор қилиш, ҳужжатларни қисқартириш, қарорларни электрон тарзда қабул қилиш, стандартлашган ҳужжат алмашинуви орқали давлат идоралари ўртасида маълумотлардан умумий фойдаланишни йўлга қўйиш, «ягона ойна» тизимига ўтишни амалга ошириш керак бўлади. Бу ишларнинг амалга оширилиши фуқароларга ташқарига чиқмасдан, яъни ўйда ёки ишда бўла туриб, бир тугмачани босиб орқали хоҳлаган муносабатни юбориш, маълумотнома ва бошқа ҳужжатларни олиш ёки тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш имкониятини берадиган инновацион давлат хизматларини кўрсатишни таъминлайди.

“Электрон ҳукумат” тизими учта йўналишни қамраб олади: 1) Давлат идораларида иш унумдорлиги ва самардорлигини ошириш учун ички иш жараёнларини ахборотлаштириш: иш жараёнларида вужудга келадиган барча турдаги ҳужжат ва маъмурий маълумотларни электрон тарзда тайёрлаш, тўплаш, кўриб чиқиш, сақлаш;

2) Жисмоний ва юридик шахсларга интерактив давлат хизматларини тақдим қилиш (G2C, G2B);

3) Давлат идоралари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш: маълумотлардан умумий фойдаланиш.

XI аср глобал рақобатдаги ахборотлаштириш давридир. Давлат идоралари қанчалик тез жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш, уларнинг иш унумдорлигини оширишми? Муносабатларни кўриб чиқишда коррупция даражаси рақобатбардошлигини кўрсатишда қанчалик тезлашган? Ҳозирда шу каби саволларга жавоблар мамлакатнинг қай даражада рақобатбардошлигини кўрсатишда, “Электрон ҳукумат” тизими муваффақиятли жорий этилса, мамлакатнинг имкониятлари максимал даражада кўтарилади, коррупция бартараф этилади, барча ишда шаффофлик ва ошкоралик таъминланади. Буларнинг натижасида халқ ишончи ошади, тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар очилиб ривожланади, мамлакат эса ўзининг салоҳияти ва рақобатбардошлик даражасини дунёга намойиш этади.

— **Маълумки, мазкур тизимдаги ишларнинг изчиллигини таъминлаш ва ривожлантиришда Сизнинг она Ватанингиз — Жанубий Корея бир қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишда, қолаверса, давлат бошқарувининг энг сўнгги тизими — “ақлли ҳукумат”ни жорий этишда ўзига хос тажрибага эга мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мазкур ютуқларга ҳисса қўшган мутахассис сифатида “Электрон ҳукумат” тизимининг самардорлиги тўғрисида нималар дея оласиз?**

— “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилишда ҳали дастлабки қадамга турган бўлсак ҳам, қилинган ишлар самарасини тасаввур қилишимиз мумкин. “Электрон” ҳукумат тизими берадиган ижтимоий-иқтисодий самараларнинг қийматини бирма-бир ҳисоблаб чиқиш жуда қийин. Ушбу тизимни жорий қилиш ва ривожлантириш орқали давлат ва жамиятни демократлаштириш, давлат бошқарувида самардорликни ошириш, ошкораликни таъминлаш жиҳатларидан ривожланган мамлакатлар даражасига етишни мақсад қилиб қўйганмиз.

“Электрон ҳукумат” тизими самарасини Корея Республикаси мисолида тушунириб бераман. Фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар (G2C) мисолида гапирадиган бўлсак, олдинлари фуқаролар турли сабаблар билан давлат органларига йилга ўртача 11 марта бевосита ташриф буюриб, муносабат қилишган бўлса, эндиликда давлат интерактив хизматлари портали ишга тушгандан кейин ташрифлар сони 1 мартагача қисқарди. Бу орқали ташриф буюриш учун транспортга сарфланадиган тахминан 1 миллиард АҚШ доллари тежаб

қолинган. Бундан ташқари, давлат органларига ташриф буюришга сарфланадиган вақтнинг тежаб қолиниши, ташриф сони камайганлиги сабабли кўчада транспорт воситалари тирбандлиги камайиши ва улардан чиқётган газларнинг камайиши каби бир қанча ижобий натижаларга эришилади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи «ягона ойна» хизматлари самараси ҳақида гапирадиган бўлсак, фақатгина тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш буйича 3 йил ичида тахминан 13,8 миллиард АҚШ доллари тежаб қолинди. Давлат орган-



ларида иш унумдорлигининг ошиши ҳақида тўхталсак, маъмурий иш жараёнлари тизими жорий қилиниб, у орқали қарорлар қабул қилиш йўлга қўйилгандан кейин давлат хизматчиларининг маълум бир масалани кўриб чиқишга сарфланадиган ўртача вақти 6 соат 32 дақиқадан 3 соат 27 дақиқачага қисқарди.

— **Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги ҳамкорлик ҳуёусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилнинг сентябрь ойида Жанубий Кореяга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида ахборотлаштириш соҳасида имзоланган ҳамкорлик Меморандуми асосида ахборот технологиялари йўналишида мамлакатлар ўртасида кенг қўламдаги алоқалар йўлга қўйилиб, истиқболли лойиҳалар амалга таътиб этилмоқда, муайян йўналишлар буйича зарур дастурий таъминотлар ва ахборот тизимларини биргаликда ишлаб чиқиш, давлат бошқаруви органлари ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) буйича билим ва кўникмаларини оширишда ҳамкорлик қилиш каби йўналишларда Корея Республикасининг етакчи муассасалари билан фаол алоқалар ўрнатилган.

Узаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Корея Республикасининг Давлат бошқаруви ва хавфсизли-

ги вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўртасида “электрон ҳукумат” тизими стратегиясини ишлаб чиқишдаги ҳамкорликни кенгайтириш, давлат ахборот ресурслари ва тизимини шакллантириш учун зарур маълумотларни ишлаб чиқувчи замонавий марказлар ташкил қилиш буйича Меморандум имзоланди.

Ушбу Меморандум доирасида соҳада малакали кадрлар тайёрлаш, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, “электрон ҳукумат” тизими мавзуларида илмий-амалий ўқув-семинарлари ташкил

этиш, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларга ахборот тизимларини жорий қилиш, ўзаро ҳамкорликда “электрон таълим”, “электрон соғлиқни сақлаш”, “электрон солиқ”, “электрон божхона” ва бошқа бир қатор тизимларни йўлга қўйиш назарда тутилган.

“2013-2020 йилларда Ўзбекистонда телекоммуникация технологиялари, алоқа инфраструктураси ва тармоғини ривожлантириш буйича ҳукумат Дастури”да ҳам соҳани ривожлантиришда халқаро ҳамкорлик, хорижий малакали мутахассисларнинг бевосита иштироки ва кўмағида амалга оширилиши белгилангани мақсадга қисқа вақтда, юқори натижа билан эришиши имконини яратди.

— **Республикамизда сўнгги йилларда давлат бошқарувини автоматлаштириш, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат интерактив хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Нима деб ўйлайсиз, “электрон ҳукумат” тизимини самарали жорий қилиш учун Ўзбекистон олдига турган муҳим вазифалар нималардан иборат?**

— “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилишнинг дастлабки босқичидан бошлаб, раҳбар ходимлардан қизиқиш, ташаббус, савий-ҳаракат ва фаол қўллаб-қувватлаш, ҳар бир вазирлик ва идораларнинг маъсул ходимларидан эса жонқуярлик билан ҳаракат қилиш талаб этилади. Шу-

нингдек, техник қўллаб-қувватлашга маъсул бўлган ташкилотда профессионаллик бўлиши шарт. Бундан ташқари, “электрон ҳукумат” жорий этилишида узоқ вақт давомида одат ва анъанага кирган иш услубларига инновацияни жорий қилиш орқали катта ўзгаришлар бўлиши сабабли бу жараённи назорат қилиш бўйича кучли тизимни шакллантириш керак бўлади. Бунда раҳбар ходимлардан лидерлик қобилиятини намоён қилиш талаб этилади. Кейинги босқичда эса “электрон ҳукумат” тизимининг асосий инфраструктураси бўлиши интернетдан барча фуқаролар арзон нархда ва қулай тарзда фойдаланиш имкониятини берадиган шароитни яратиш лозим. Шу билан биргаликда, ҳукумат интернет орқали фуқароларга ва тадбиркорлик субъектларига керакли маълумотларни очиклик ва шаффофликни таъминлаган ҳолда тақдим қилиши керак. Айнан фойдали ва долзарб хизматларни тақдим қилиш фуқароларнинг электрон ҳукуматга нисбатан қизиқиш ва эътиборини оширади.

Бошқа томондан “электрон ҳукумат” хизматларидан кенг тарзда фойдаланишни фаоллаштириш мақсадида компьютер ва смартфонлардан фойдаланишни билмайдиган аҳолининг ахборот олиш жиҳатдан имконияти чекланган қатлами учун бутун мамлакат миқёсида АКТ саводхонлиги буйича махсус ўқув курсларини ташкил қилиш керак. Давлат хизматчилари учун эса АКТ буйича профессионал ўқув дастурини ишлаб чиқиш, мажбурий тарзда ўқитишни белгилаб қўйиш талаб қилинади. Мисол келтирадиган бўлсак, Корея Республикасида 2000-2002 йиллар давомида мамлакат миқёсида 10 мингга яқин фуқаро компьютер саводхонлиги буйича таълим олган.

— **Бутун тизимизда “электрон тижорат”, “электрон соғлиқни сақлаш” ва шу каби қўллаб атамалар кириб келмоқда. Буларни ҳам электрон ҳукумат тизими элементлари дейиш мумкинми?**

Ким Нам Сеок 1956 йил Жанубий Корея Республикасида туғилган. Ханъянг университети (Корея), Аризона университети (АҚШ), Сунгкёнкван университети (Корея)да тахсил олган. Давлат бошқаруви ҳамда ахборотлашган жамият йўналишлари буйича магистр. Иш фаолиятини 1980 йилда Давлат бошқаруви вазирлигида Бошқарув тизими бўлимида бўлим бошлигининг ўринбосари лавозимидан бошлаган. Турли йилларда Корея Республикасининг Давлат бошқаруви ва ички ишлар вазирлигида Бошқарув ва ички ишлар вазирлигида Бошқарув тизими бўлимида бўлим бошлиғи, Инновация ва марказлаштириш буйича Президент қўмитасида бош директор, Давлат бошқаруви ва ички ишлар вазирлигида Инновацияларни режалаштириш бюроси бош директори, Давлат бошқаруви ва ички ишлар вазирлигининг “электрон ҳукумат”ни жорий қилиш буйича ёрдамчиси, Давлат бошқаруви ва хавфсизлиги вазирлигининг ўрин-

— “Электрон ҳукумат” ахборот-коммуникацион технологиялар орқали давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, унга инновацияни жорий қилишни ифодаласа, электрон соғлиқни сақлаш ва электрон тижорат тушунчалари эса соғлиқни сақлаш ва тижорат соҳасида АКТни кенг татбиқ қилиш орқали бу соҳанинг инновацион кўринишини ифода қилади.

“Электрон соғлиқни сақлаш” (e-healthcare) — соғлиқни сақлаш соҳасининг замонавий ахборот технологиялари воситалари татбиқ қилинган қисми. Бунда саломатлилик ҳолати ва даволашни тўғри-сидаги маълумотларнинг электрон тарзда алмашинуви, интернет орқали масофавий ташхис қўйиш, реал вақт режимида соғлиқ буйича маълумотларни тақдим қилиш каби аҳоли соғлиғини сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг янгича парадигмасини кўришимиз мумкин. “Электрон соғлиқни сақлаш” тизимини жорий қилишнинг дастлабки босқичида тиббиёт муассасаларида сақланадиган фуқароларнинг соғлиқлари тўғрисидаги маълумотлар қайд қилинган шахсий тиббий карточкаларни электронлаштириш буйича ишлар олиб борилади. Фуқароларнинг соғлиғи буйича маълумотларни қайд қилиш, таҳлил қилиш, сақлаш учун EMR (Electronic Medical Record) ва EHR (Electronic Health Record) тизимлари яратилади. Бу икки тизим тиббиёт муассасалари ва тизимлари ўртасида маълумот алмашинуви ва маълумотлардан ўзаро фойдаланишни таъминлайди.

Электрон тижорат — бу товар олди-сотдиси ва хизматлар кўрсатиш буйича жараёнлар (буюртма, тўлов, ижро)нинг бутунлай ёки қисман электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилишидир. Интернет-шопинг, интернет-банк тушунчалари ҳам “электрон тижорат”нинг бир қисми ҳисобланади.

— **Истиқболдаги режалар билан ўртоқлашсангиз.**

— Ўзбекистонда бизнес соҳаси ҳамда фуқароларга дав-

лат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиладиган миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса тез орада давлат органларидан барча турдаги маълумотномаларни электрон шаклда олиш, давлат органларига навбатга ёзилишининг “электрон навбат” тизимини жорий қилиш, демакдир. Айни чоғда темир йўл ва авиачипталарни онлайн брон қилиш ва тўловларни амалга ошириш, коммунал хизматлар учун тўловларни онлайн амалга ошириш имкониятларини амалга олишга эришиш жорий қилиш, автомобиль ва транспорт соҳасида АКТ ёрдамида йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада кенгайтириш режалаштирилган. Қолаверса, интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, тегишли ахборот ресурсларидан катта қўламда, айниқса, қишлоқ жойларда фойдаланишни таъминлаш ҳам режалаштирилган.

Ўзбекистонда “электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш буйича маслаҳатчи сифатида фаолият юритиш мен учун ҳам юксак шараф, ҳам юксак масъулиятдир. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ва ташаббуслар, истиқболли режаларни ишлаб чиқишда ўз тажрибаларим билан иштирок этаман. Ўзбекистон ҳукумати “электрон ҳукумат” тизимини жорий этишга бўлган хоҳиши ва кўрсатаётган эътибори, ўзбекистонлик ҳамкашларимнинг тиришқоқлиги ва иштиёқ билан олға иттиляганини кўриш мен учун қувонарли. Уларнинг хайрихоҳи ва дўстона алоқалари менга янада юқори натижаларга эришиш учун куч бағишлайди.

Суҳбатдош:
Саодат СОДИКОВА,
«Adolat» муҳбири

босари каби нуфузли лавозимларда хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йилнинг сентябрь ойида Жанубий Кореяга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида ахборотлаштириш соҳасида имзоланган ҳамкорлик Меморандумига асосан, жаноб Ким Нам Сеок бошчилигидаги корейлик бир гуруҳ мутахассислар 2013 йилдан бошлаб ахборот технологиялари йўналишида мамлакатлар ўртасида ўзаро кенг қўламда алоқаларни йўлга қўйиш, истиқболли лойиҳаларни амалга таътиб этиш мақсадида юртимизда фаолият бошлашган. Ким Нам Сеок Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мақсадида юртимизда “электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш буйича лойиҳаларни амалга оширишда бевосита иштирок этмоқда.

Қирғули «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси



ҳаётимиз мазмуни, бахту саодатимиз бўлган азиз кичкинтойларни

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан чин дилдан табриклайди.

Барча-барчангизга мустақкам соғлиқ, яхши кайфият тилаймиз!

БОЛАЖОНЛАРИМИЗ КЎЗЛАРИДА ДОИМО ҚУВОНЧ НУРААРИ ЧАҚНАБ ТУРСИН!

Мухолифатми ёки амалдаги ҳукумат?

Польшаликлар қай бирини танлайди?

➤ Шарҳ

2015 йилнинг 10 майида Польшада навбатдаги Президент сайлови бўлиб ўтди. Кучли сиёсий рақобат ва плюрализмни ўзида ифода этган мазкур сайловда 11 нафар номзод давлат раҳбари лавозими учун ўзаро беллашди.

Аммо ҳеч бир номзод сайловчиларнинг 50 фоизидан ортиқ овозига эга бўла олмади, шу сабабли натижалар эълон қилинганидан сўнг 14 кундан кечиктирилмай, аниқроғи, 24 май кунин сайловнинг иккинчи тури ўтказиладиган бўлди.

Шу йилнинг 24 майида ўтказиладиган иккинчи турда амалдаги давлат раҳбари Бронислав Коморовский ва ўзини мухолифат партия вакили деб эълон қилган номзод Анджей Дуда сайловчиларнинг кўпчилик овозига эга бўлиши, электротартиб ишончини қозониш учун бор билим ва салоҳиятини намойиш қилмоқда, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва истиқбол борасида ўз сиёсий қараш ва платформасининг устуни жиҳатларини кўрсатишга интилмақда.

Амалдаги президент Б.Коморовский 2001 йилда ташкил этилган, сўнгги йилларда етакчилигини кўлга киритаётган "Фуқаролик платформаси" либерал-консерватив партиясидан ўз номзодини илгари сурган бўлиб, асосий рақиб, собиқ президент Леха Качинский маъмуриятида котиб лавозимида ишлаб келган А.Дудадан қарийб 1 фоиз кам овоз тўплаши (33,77 фоиз) билан кутилмаган натижани кўлга киритди. Мухолиф партия сифатида фаолият юритаётган "Ҳуқуқ ва адолат" партиясини номзоди Анджей Дуда эса сайловчиларнинг 34,76 фоизи ишончига сазовор бўлди.

Ушбу сайловдаги шиори "Келажакнинг иккинчи номи — бу Польша" деб номлаган Дуда барқарор ва хавфсиз мамлакатда муносиб турмуш қурилиши учун Польшани тиклаш, бунинг учун эса, аввало, президентни ўзгартириш лозимлигини уқтиради. Номзод президент этиб сайланган тақдирда ишни Конституцион ислохотлар билан бошлашни, референдумларга оид қонунчиликни либераллаштиришга ҳаракат қилишини маълум қилган.

Айни кунларда номзоди сайловнинг биринчи турида пешқадамликни кўлга киритган "Ҳуқуқ ва адолат" партиясини ва килларини байрамона кайфият тарқ эт-

маяпти. "Ҳуқуқ ва адолат" бу, аввало, миллий-консерватив ва католик-клерикал йўналишдаги ғояларни илгари суратган сиёсий куч ҳисобланиб, унинг аъзолари солиқ тўловларининг қисқартирилиши ҳамда кам таъминланганларнинг давлат томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиши, иқтисодиёт либераллаштирилиши тарафдоридир. Айниқса, ушбу мухолиф партия қошида ташкил этилган "Коррупцияга қарши курашувчи Марказий бюро" кўпчиликнинг эътиборини торта олди, партиясининг рейтингини ошишига сабаб бўлди, баъзи жиҳатлари билан кескин танқид остига ҳам олинди. Айрим мутахассислар бу бюро ҳақиқий маънода коррупцияга қарши курашувчи механизм эмас, балки бошқарувдаги партиядан ўч олиш воситасига айланди, деган фикрни билдиришмоқда. Айни пайтда Польшада кенг жамоатчилик ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров партиясининг танилувчанлик даражаси орттиришига ушбу бюронинг ўрни юқори эканлигини кўрсатди. Яъни респондентларнинг 41 фоизи уни янада ислох қилиш истагини билдирган бўлса, қатнашувчиларнинг 10 фоизига бюро ўз фаолиятини яқунлаши зарур, деган фикр илгари сурган.

"Фуқаролик платформаси" давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарига эга, сўнгги парламент сайловида ҳам энг кўп мандатга эга бўлган сиёсий партия саналиб, дифференцияланмаган даромад солигини жорий этиш, давлат ва ҳусусий таълим тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тенглаштириш, таълим соҳасини ислох қилиш, мэр ва губернаторларни тўғридан-тўғри сайлаш тизимини татбиқ этиш, барча ўрта таълим мактабларида иқтисодиётни

ўқитиш, парламент (Сейм)даги ўринларни қисқартириш каби қатор ғояларни илгари суриб келмоқда.

Коморовскийнинг штабида рақибиникига ўхшаган қизгин ва ҳиссиётларга лиммо-лим жараён кузатилмади. Социологлар амалдаги ҳукуматга нисбатан нозиликларнинг кучайишини иқтисодиётдаги муаммолар, ташқи алоқаларнинг мустақамланмаётганлиги билан изоҳлашмоқда.

Коморовский сайловнинг биринчи тур натижалари юзасидан ўз муносабатини билдирар экан, "ушбу натижалар бошқарувдаги партия учун жиддий оғохлантириш вазифасини ўташи ва имкон қадар сайловчиларни қийнаётган масалаларни ўрганиш зарур"лигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, у рақибидан устун келиш мақсадида сиёсий партияларни давлат бюджетидан молиялаштиришга оид масала юзасидан референдум ўтказиш ҳамда сайловчиларни қийнаб келётган солиқ соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш таклифини илгари сурмоқда.

Биринчи турдан кейин ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, Дудани 44 фоиз, Коморовскийни эса 40 фоиз респондентлар қўллаб-қувватлаши маълум бўлди. Ижтимоий сўровда қатнашганларнинг 16 фоизи ҳанузгача бир тўхтама келмаганини билдиришган.

Мухтасар айтганда, айни кунларда Польша ҳукумати ва халқи муҳим ўзгариш ва синовларни бошидан кечирмоқда. Зеро, сайлов натижаси мамлакатнинг бугуни ва келажакга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

С.ЖАВБОРОВА,
«Adolat» муҳбири




Нидерландияда биобетон яратилди

Маълумки, вақт ўтиши билан оддий бетонда микро-ёриқлар пайдо бўлиб, уларда нам йиғилади. Бетон бир неча марта музлаб, эригандан сўнг эса намлик арматурага қадар етиб боради ва уни эмира бошлайди. Натияжада муртлашган бетоннинг сифати кескин даражада пасаяди.

Нидерландиялик иxtирочилар бетонда пайдо бўлган ёриқлар автоматик тарзда махсус бактериялар ёрдамида тўлиб қоладиган бетон яратишди.

Олимпилар темир-бетон ишлаб чиқарилиши жараёнига кальций билан аралаштирилган Bacillus тилидаги, фаол вулконлар яқинидаги тошларда учрайдиган бактерияларни қўшдилар. Энди бетондаги ёриққа кирган сув таъсирида уйғонган бактериялар тузми ўзлаштириб, карбонат кальцийнинг кўринишларидан бири бўлган кальцитни ишлаб чиқара бошлайди. Кальцит эса бетондаги ҳар қандай ёриқни жуда мустаҳкам тарзда тўлдиролди.

Бундан ташқари, янги технологиядан уй-иншоотларни, йўлларни таъмирлашда ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Бунинг учун бактериялар солинган суоқликни пайдо бўлган ёриқлар устига сеппи чиқиши кифоя.



Бундай бетонлар ер остидаги иншоотлар, бургулаш миноралари учун ҳам жуда қўл келади. Бактериялар узок йиллар мобайнида, то эҳтиёж туғилганга қадар сақланиб туриши билан ҳам истеъмолчиларнинг эътиборига тушмоқда.

Дарвоқе, мазкур ишланма European Inventor Award-2015 танловининг финал босқичида намойиш этилди.

➤ Молия муассасаларида

Республикамизда банк пластик карталари орқали хизматлар кўламини кенгайтириш, улар сифатини ошириш ҳамда мижозларга туну кун хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан саморали фойдаланиш келинмоқда.

Электрон ҳамён:

қулай ва ишончли тўлов воситаси

Маълумки, пул муомаласи банк-молия тизимининг қон томирдир. Ҳисоб-китобларнинг нақд ва нақдсиз шакли иқтисодиётнинг мўътадил фаолият юритиши учун жуда муҳим. Шу босис, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинган директив ҳужжатларда, банк тизимининг ривожланиш стратегиясида пул муомаласини ислох этиш, такомиллаштиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Нақд пул муомаласини такомиллаштиришда иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳисоб-китобларни пластик карталар асосида амалга ошириш афзаллигини кўрсатди. Ҳисоб-китобларни нақдсиз шаклда амалга оширишга ўтиш банкларни банкноталар чоп этиш, ташиш, санаш, қоғозбозлик каби серҳаражат ишлардан халос этиш, нақд пул муомаласи барқарорлигини сақлаш баробарида иқтисодиётни зарур инвестицион ресурслар билан таъминлаш, тегишли идораларнинг жисмоний ва юридик шахслар устидан назорат қилишнинг чеклаш имконини беради.

Кези келганда айтиш ўринлики, Шимолий Америка ва Европа, Австралия ва қатор Осиё мамлакатларида пластик карталар инфратузилмасини кенгайтириш ҳисобига муомаладаги нақд пулларни камайтириш сиёсати юритилмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги тўловларнинг электрон ҳамёнлар ёрдамида амалга оширилиши натижасида иш ҳақларининг нақд пулда берилиши тобора қисқариб бормоқда. Масалан, иш ҳақлари ҳозирги пайтда Англия ва Францияда 10, Германияда атиги 5 фоизи нақд пулда тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул массасини бошқаришда иқтисодий ўсиш барқарорлигига шароит яратадиган нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга оширди. Мамлакатимизда қайси банк хизмат кўрсатишидан қатъи назар, барча савдо шохобчаларида пластик карталар ёрдамида ягона тартибда банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи замонавий банк технологиялари ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пайтда республикамиз бўйича салкам 14 миллион донна пластик карта муомалага чиқарилган. Электрон ҳамёндан тўловларни узлуксиз қабул қилиш учун тижорат банклари томонидан 163 мингдан зиёд чакана савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари тўлов терминаллари билан таъминланган.

Бугун пластик карта эгалари ундан универсал тўлов воситаси сифатида фойдаланиб, кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат ва маиший маҳсулотлар, пуллик, шунингдек, коммунал хизматлар учун тўловларни ҳар қандай масофадан туриб, исталган вақтда амалга ошириш имконига эга. Ҳозирда ҳар ойда ўртача 1,8 триллион сўмдан ортиқ товарлар ва хизматлар, шунингдек, 187 миллиард сўм миқдоридидаги коммунал тўловлар электрон тизимлар орқали амалга оширилмоқда.

Сирасини айтганда, бу каби амалий саъй-ҳаракатлар пировардида мамлакатимизда пул айланишини янада жадаллаштириб, тўлов тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ирода МАЖИДОВА,
Тошкент молия институти ўқитувчиси



Reklama

Фарғона Вилояти «Пилла» бирлашмаси жамоаси

озоғ ва обог Ватанумизга ардоқланиб,
меҳр нури ила камол топаётган
барча кичкинтойларни

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунин

билан самимий қутлайди!

Мустақил юртимизнинг азиз фарзандлари!

Сизларни яқинлашиб келаётган 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунин билан чин дилдан табриклаймиз.

Қалбларингиз ҳамиша беғубор, истиқболингиз порлоқ бўлсин!

Фарғона «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш корхонаси



**Жаннатмонанд юртимизга кўз тегмасин!
Яна бир бор байрамингиз муборақ бўлсин!**



«Фаргонаавтотрансхизмат» МЧЖ Жамоаси

бахтли келажагимиз тимсоли,
хаётимиз мазмуни —
жажжи кичкинтойларни
**1 июнь — Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни**
билан чин дилдан қутлайди!

Мустақил юртимизнинг
азиз ва бахтиёр фарзандларига
соғлиқ, шоду хуррамлик тилаймиз.
Гулгун чеҳраларингиздан табассум аримасин,
болалик қувончи ҳеч қачон тарк этмасин,
истиқболингиз порлоқ бўлсин!

Хизматлар лицензияланган

«Сирдарё — Сўх» ИТХБ қошидаги насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси жамоаси

обод диёримиз фарзандлари бўлиш
болажонларимизни яқинлашиб келаётган
**1 июнь — Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни**
билан муборакбод этади!



Хонадонларимиздан кичкинтойлар қулгиси
ҳеч қачон аримасин, жажжи ўғил-қизларимизни
байрам шукӯҳи асло тарк этмасин, деймиз!

«Фаргона иссиқлик электр маркази» АЖ жамоаси

юртдошларимизни
яқинлашиб
келаётган
**1 июнь —
Халқаро
болаларни
ҳимоя қилиш
куни билан
қизгин
қутлайди!**

Юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо бўлсин!

«ФАРГОНАЙЎЛЛОЙИҲА» МЧЖ ЖАМОАСИ

юртимиз оҳлини ва барча
жажжи кичкинтойларни
**1 июнь — Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни**
билан чин қалбдан сенимий
қутлайди!



МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҲАМРОЕВ

Бўлимлар:

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.



Таҳрир ҳайъати:

Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Тошўлат МАТИБАЕВ
Рашид МАТКУРБАНОВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими
— 288-46-54 (149); Котибиёт — 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146);
Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Дилором Матқаримова
Навбатчи — Сулондик Мамироров

1995 йил 22 февралдан чиқиб бошлаган
Таҳририят маъноси: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgiz.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 0018 рақами билан
2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп
этилди. Корхона манзили: Тошкент
шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма
табоқ. Офсет усулида босилган.
Буюртма Г — 500. Адади — 11877
Босишга тошириш вақти — 22.10
Босишга тошириш вақти — 22.30
Баҳоси келишилган нарха

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

1538 2093-5217



1 2 3 5 6